**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**“Uzbekistan Airways” АЖ**
**Бошқаруви раиси**

**И.Р.Махкамов**

**2022 йил “6” май**

**“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви**
**Ҳайъати йиғилишининг**
**БАЁНИ**

2022 йил “6” май | 18-сон | Ташкент ш.

| | |
|---|---|
| **Раислик қилувчи:** | Махкамов И.Р. – “Uzbekistan Airways” АЖ раиси |
| **Иштирок этганлар:** | “Uzbekistan Airways” АЖ раиси ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари |
| **Мажлис ўтказиш жойи** | “Uzbekistan Airways” АЖ марказий аппарати Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 41-уй, конференциялар зали. |

Ҳайъат мажлиси раиси кун тартибини муҳокамага қўйди ва Ҳайъат аъзолари томонидан кун тартиби бир овоздан қабул қилинди.

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида “Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, транспорт соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни жадаллаштириш, авиация сектори имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш, шунингдек, иш ўринларини барпо этиш, давлат корхоналарини трансформация қилиш чора тадбирлари тўғрисида” ўтказилган йиғилишнинг 32-сонли Баёнида белгиланган топшириқлар ижросини сўзсиз ва белгиланган муддатларда сифатли таъминлаш тўғрисида**

*(Махкамов, Хусанов, Худайкулов, Саттаров, Махкамов)*

Кун тартибидаги масала юзасидан Жамият бошқарув раиси биринчи ўринбосари в.в.б. У.А.Хусанов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида “Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, транспорт соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни жадаллаштириш, авиация сектори имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш, шунингдек, иш

ўринларини барпо этиш, давлат корхоналарини трансформация қилиш чора тадбирлари тўғрисида” ўтказилган йиғилишнинг 32-сонли Баёнида “Uzbekistan Airways” АЖ ўтган йилда ўз фаолиятини ***45 млрд сўм*** фойда билан якунлаб, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 2 баробар кўплиги ҳамда олиб борилаётган самарали ишлар натижасида, молиявий кўрсаткичлар пандемия бошлангунга қадар эришилган кўрсатгичга етганлиги қайд этиб ўтилган.

Шунингдек, ***икки ҳафта муддатда*** республика аэропортлари орқали чартер парвозларга рухсат бериш тизимини соддалаштириш бўйича тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлиги;

***бир ой муддатда*** компаниянинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини 1,5 баробарга ошириш ҳамда авиакомпанияни эркин бозор шароитига мослаштиришга қаратилган трансформация дастурини ишлаб чиққан ҳолда (бунда бугунги кундаги шароитдан келиб чиқиб, авиачипталар нархининг ошиб кетишига йўл қўйилмасин), унинг бажарилиши юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот киритиб боришлиги;

ҳаво транспорти орқали юк ташишга бўлган талаб тобора ортиб бораётганлигини инобатга олиб ҳамда авиакомпаниянинг юк ташувлари ҳажмини ошириш мақсадида, ***бир ой ичида*** хорижий компаниялардан 2 та юк ташувчи ҳаво кемаларини лизинг асосида жалб қилиш масаласини ўрганиб чиқиши ва таклиф киритиши белгиланган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифалар Жамият бошқарув аъзолари томонидан муҳокама қилинди ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан ўз таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бўлиб ўтган муҳокамалар ва овоз бериш жараёнидан сўнг (*овоз бериш натижалари: ёқлаб – 4 та овоз; қарши – йўқ; бетараф - йўқ*) Жамият бошқаруви **қарор қилди:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида “Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, транспорт соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни жадаллаштириш, авиация сектори имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш, шунингдек, иш ўринларини барпо этиш, давлат корхоналарини трансформация қилиш чора тадбирлари тўғрисида” ўтказилган йиғилишнинг 32-сонли Баёни ижро учун қабул қилинсин.**

**2. Юқоридаги йиғилиш Баёни ижросини сўзсиз, белгиланган муддатларда сифатли таъминлаш мақсадида Жамият томонидан амалга ошириладиган “Чора-тадбирлар” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**3. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари ушбу қарор билан тасдиқланган “Чора-тадбирлар”да белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминласин.**

**4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият Бошқарув раиси биринчи ўринбосари в.в.б. У.А.Хусанов зиммасига юклансин.**

**Мажлис котиби** **С.Абдуллаев**

Бошқарув аъзолари:

| | |
|---|---|
| У.А.Хусанов | Бошқарув раиси биринчи ўринбосари в.в.б. |
| Ш.Ш.Худайкулов | Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б. |
| | Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б. |
| А.А.Саттаров | Молия директори в.в.б. |

“Uzbekistan Airways” АЖ
Бошқарувининг 2022 йил 6 майдаги
мажлиси 18-сон Баённомаси билан

**ТАСДИҚЛАНГАН**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида “Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, транспорт соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни жадаллаштириш, авиация сектори имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш, шунингдек, иш ўринларини барпо этиш, давлат корхоналарини трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ўтказилган йиғилишнинг 32-сонли Баёнида белгиланган топшириқлар ижросини сўзсиз ва белгиланган муддатларда сифатли таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган

## “ЧОРА ТАДБИРЛАР”

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Маъсул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Республика аэропортлари орқали чартер парвозларга рухсат бериш тизимини соддалаштириш** | | | | |
| 1. | Республика аэропортлари орқали чартер парвозларга рухсат бериш тизимини соддалаштириш бўйича тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. | 1. Чартер парвозларга рухсат бериш тизимини чуқур таҳлилдан ўтказиш;<br>2. Илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб чиқиш ҳамда мақбул жиҳатларини мамлакатимизда қўллаш учун таклифлар тайёрлаш.<br>3. Ўтказилган таҳлиллар ва хорижий тажрибалар асосида чартер парвозларга рухсат бериш тизимини соддалаштириш бўйича тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. | 08.05.2022 й.<br>10.05.2022 й.<br>10.05.2022 й. | У.Хусанов<br>А.Мельников |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **II. Авиация соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш концепциясини ишлаб чиқиш** | | | | |
| 1. | Жаҳон банки билан ҳамкорликда Авиация соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш концепциясини ишлаб чиқиш | 1. Жаҳон банки билан ҳамкорликда Авиация соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан музокаралар олиб бориш.<br>2. Жаҳон банки билан ҳамкорликда Авиация соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар маҳкамасига киритиш. | 2022 йил давомида<br>2022 йил давомида | У.Хусанов А.Верховых<br>У.Хусанов А.Верховых |
| **III. Компаниянинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини 1,5 баробарга ошириш ҳамда авиакомпанияни эркин бозор шароитига мослаштириш** | | | | |
| 1. | Компаниянинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини 1,5 баробарга ошириш | 1. Жамиятнинг бугунги иқтисодий кўрсаткичларини чуқур тахлилдан ўтказиш.<br>2. Жамият асосий иқтисодий кўрсаткичларини 1,5 баробарга ошириш юзасидан трансформация дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Жамият бошқарув органлари билан келишиш.<br>3. Трансформация дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот киритиб бориш. | 01.06.2022 й.<br>15.06.2022 й<br>Ҳар ойда | А.Саттаров, А.Верховых<br>А.Саттаров, А.Верховых<br>А.Саттаров, А.Верховых |
| 2. | Авиакомпанияни эркин бозор шароитига мослаштириш | 1. Жамиятнинг бугунги фаолиятини эркин бозор тамойилларига асосан чуқур тахлилдан ўтказиш.<br>2. Авиакомпанияни эркин бозор шароитига мослаштириш юзасидан трансформация дастури | 01.07.2022 й.<br>15.07.2022 й. | А.Саттаров, А.Верховых<br>А.Саттаров, А.Верховых |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Жамият бошқарув органлари билан келишиш.<br>3. Трансформация дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот киритиб бориш. | Ҳар ойда | А.Саттаров,<br>А.Верховых |
| **IV. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ҳаво кемалари учун божхона тўловларини, эҳтиёт қисмлар учун божҳона божи ва акциз тўловларини қўлламаслик** | | | | |
| 1. | Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ҳаво кемаларига нисбатан ҳисобланадиган божхона тўловларини, эҳтиёт қисмларга божҳона божи ва акциз тўловларини қўлламасликни назарда тутувчи тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 1. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ҳаво кемаларига нисбатан ҳисобланадиган божхона тўловларини, эҳтиёт қисмларга божҳона божи ва акциз тўловларини қўлламасликни назарда тутувчи тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Ишлаб чиқилган лойиҳани ўрнатилган тартибда Транспорт вазирлигига тақдим этиш. | 01.06.2022 й.<br>05.07.2022 й. | А.Саттаров,<br>А.Сиддиков<br>А.Саттаров,<br>А.Сиддиков |
| **V. Хорижий компаниялардан 2 та юк кемасини лизинг асосида жалб қилиш** | | | | |
| 1. | Хорижий компаниялардан 2 та юк кемасини лизинг асосида жалб қилиш | 1. Жамият паркига 2 та юк кемасини лизинг асосида жалб қилишнинг молиявий ва техник жиҳатларини таҳлил қилиш. | 15.05.2022 й. | У.Хусанов,<br>Ш.Худойқулов,<br>А.Саттаров,<br>У.Киясов<br>С.Ким<br>Ф.Ибрагимов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Лизинга берувчи компаниялар билан музокара олиб бориш ҳамда уларнинг тижорат таклифларини кўриб чиқиш.<br><br>3. Юк кемасини лизинг асосида жалб қилиш юзасидан таклиф тайёрлаш ва тегишли органларга тақдим этиш. | 20.05.2022 й.<br><br>25.05.2022 й. | У.Киясов, А.Верховых, С.Ким<br><br>А.Верховых, У.Киясов |